

**Дин ишлари бўйича қўмита томонидан 2022 йил давомида
амалга оширилган ишлар бўйича
ҲИСОБОТ**

Дин ишлари қўмита томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, 2022 йил давомида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан биргаликда республикада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш ва диний вазиятни янада соғломлаштиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган топшириқлар (266-банд, асосий масъул - Дин ишлари бўйича қўмита, 267-банд, асосий масъул - Ўзбекистон халқаро ислом академияси) тўлиқ бажарилди.

Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш, Қўмитага жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлари ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш, меҳнат ва ижро интизомини янада мустаҳкамлаш юзасидан 14 та Ҳайъат йиғилиши ташкил этилди.

Қўмитага “lpro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизимида жами 160 та ҳужжатларда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 та Фармони, 61 та Қарори, 3 та Фармойиши, 71 та Баённомаси ва 1 та Ўзбекистон Республикасининг Қонуни) топширилган 671 та вазифадан 592 таси (88,2 %) тўлиқ бажарилди (шу шумладан жорий йил давомида - 107 та), қолган 79 та муддати келмаган вазифалар ижроси бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга:

I. Диний-маърифий соҳа фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш йўналишида:

Ўтган давр мобайнида 1 та Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 3 та Президент қарори, 3 та Вазирлар Маҳкамасининг қарори ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Хусусан:

15 июль “Имом Бухорий” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги 5 моддадан иборат қонуни (Ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йилнинг 12 август куни қабул қилинган, Сенат томонидан эса 13 августда маъқулланган);

31 мартдаги “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-185-сон қарори;

30 апрелдаги “Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-231-сон қарори;

1 июлдаги “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-304-сон қарори;

26 январдаги “Диний ташкилотнинг фаолияти тугатилганда кредиторларнинг даъволари бўйича ундириш қаратилиши мумкин бўлмаган,

ибодат қилиш учун мўлжалланган мол-мулк рўйхатини тасдиқлаш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 42-сонли қарори;

14 апрелдаги “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 180-сонли қарори;

14 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш жараёнини янада соддалаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 386-сонли қарори.

II. Зиёрат туризми йўналишида:

Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида фуқароларимиз учун Ҳаж ва Умра зиёратлари юқори савияда ташкил этилди. 12 045 нафар зиёратчи июнь-июль ойларида Ҳаж амалларини, 61 мингдан ортиқ зиёратчи Умра амалларини адо этиши таъминланди.

1-3 ноябрь кунларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида “Халқаро зиёрат туризми ҳафталиги” ташкил этилди ва ушбу тадбирлар доирасида бир қатор конференция, кўргазма, ярмарка ҳамда давра сўхбатлари ўтказилди.

Буюк алломаларимиз илмий меросини тарғиб қилиш ва зиёрат туризмининг ривожлантириш мақсадида 18 та альбом-проспект, китоб, рисола, брошюра ва флаерлар чоп этилди ҳамда зиёратгоҳ, вазирлик ва идораларга тарқатилди.

III. Таълим, диний соҳа ходимларини малакасини ошириш ва илмий-тадқиқот фаолиятини янада такомиллаштиришда:

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази ва унинг минтақавий филиалларида жами 3095 нафар тингловчиларнинг малакасини оширилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус ислом таълим муассасалари ва илмий мактаблар ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида жами 26 та “Қуръон қироати ва тажвид” курслари фаолияти йўлга қўйилди. 2022 йилда мазкур курсларни 13 269 нафар тингловчи тамомлади.

Шунингдек, “Қуръон қироати ва тажвид” курслари мавжуд бўлмаган Тошкент вилоятининг Бекобод, Нурафшон, Оҳангарон туманлари ва Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида Тошкент ислом институти тасарруфида “Қуръони карим ва тажвид” ўқув курслари фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб кечки, сиртқи, масофавий таълим шакллари бўйича таълим бериш йўлга қўйилди.

Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари томонидан жами 126 та китоб, 976 та илмий мақола, 3 номдаги даврий илмий журнал нашр этилди. Шу билан бирга, хориж давлатларига 37 та сафар амалга оширилган. Ҳамкорлик доирасида жами 39 та меморандум ва келишув шартномалари имзоланган.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда олий ва ўрта махсус ислом таълим муассасаларининг талабалари ўртасида “Ватанни севмоқ иймондандир” мавзусида Республика эсселар танлови юқори савияда ўтказилди.

2022 йилнинг 27-28 май кунлари “Ҳидоя” ўрта махсус ислом таълим муассасасида ЎМИ тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари талабалари ўртасида “Баркамол авлод-2022” спорт мусобақасининг республика босқичи юқори савияда ўтказилди.

IV. Оммавий ахборот воситаларида ёритиш ишларини ташкил этишда:

1. “Жаҳолатга қарши маърифат” рукни остида экстремизм ва терроризмга қарши кураш йўналишида ўтган давр мобайнида соҳа ходимлари томонидан интернет сайтларда 138 148 та, босма нашрларда 3 437 та, радиода 2 357 та ва телевидениеда 3 823 та ақидапараст оқимларга қарши илмий жиҳатдан асосланган чиқишлар қилинди.

2. “Ўзбекистон” телеканали орқали “Ҳидоят сари” студиясида 97 та ва “Зиё” медиа марказида 88 та, “Маданият ва маърифат” телеканали “Маърифий суҳбатлар” номли дастурда 43 та кўрсатув эфирга узатилди.

3. “Navro‘z” радиоканали “Маърифат зиёси”, “O‘riat dono” радиоканали “Зиё чашмаси” ва “O‘zbekiston” радиоканали “Имом Бухорий ўғитлари” дастурлари орқали 158 та радиоэшиттиришлар эфирга узатилди.

4. Умра-2022” мавсуми бўйича 24 та хабар, 16 та видеолавҳа ва “Ҳаж-2022” мавсумини ташкил этиш бўйича 10 та хабар, 8 та видеолавҳа тайёрланиб, “O‘zbekiston24”, “UzreportTV”, “SevimliTV”, “MY5”, “Zo‘rTV” телеканаллари орқали кенг ёритилди ҳамда тизимдаги веб-сайт ва уларнинг ижтимоий тармоқ саҳифаларида эълон қилинди.

5. Ҳисобот даврида республикада фаолият олиб бораётган ноисломий диний конфессиялар раҳбарлари ва вакиллари иштирокида 3 та кўрсатув (“Ўзбекистон - бағрикенг диёр”, “Празднование Пасхи в Ташкенте”, “Пасха байрами”), 2 та видеоролик, 56 та интервью, 12 та хабар тайёрланиб, “O‘zbekiston24”, “Dunyo bo‘ylab”, “Rossiya24” телеканаллари орқали эфирга узатилди. Шунингдек, 4 та мақола “Янги Ўзбекистон”, “Народное слово” ва “Правда востока” газеталарида эълон қилинди. Интернет йўналишида 34 та материал ёритилди.

6. Жорий йил давомида 1 та матбуот анжумани, 4 та брифинг, 2 та расмий баёнот, 1 та эълон ва 1 та муносабат эълон қилинди.

V. Хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида:

1. Республикадаги барча отинийларни диний ва дунёвий билимларини ошириш мақсадида Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари

идораси, Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси Малака ошириш маркази ва унинг ҳудудий филиалларида ҳар 3 ойда отинойиларга ўқувлар ташкил этилди. Тасдиқланган режага биноан 16 март (3524 нафар), 15 июнь (3451 нафар) отинойиларга 1 кунлик, 3-8 ноябрь кунлари Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш ўқув маркази томонидан вилоят, туман ва шаҳарларнинг 179 нафар бош отинойлари, 21-28 октябрь кунлари Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг 344 нафар маҳалла отинойлари учун 36 соатлик ўқув машғулоти ўтказилди.

VI. Диний ташкилотлар билан ишлаш йўналишида:

1. Аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда Сурхондарё вилоятида 4 та, Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилоятида 2 тадан, Андижон, Хоразм, Бухоро, Наманган, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 1 тадан жами 14 та янги масжид давлат рўйхатидан ўтказилди. Шунингдек, мавжуд эҳтиёж ҳамда фуқароларга қулай шароитлар яратиш мақсадида Андижон вилоятидаги 7 та, Сирдарё вилоятида 2 та ва Тошкент шаҳрида 1 та жами 10 та маҳаллий масжидга жоме мақоми берилди.

Маълумот учун: Бугунги кунда Республика бўйича жами 2118 та масжид фаолият олиб бормоқда, шундан 2065 та жоме ва 53 та маҳаллий масжидлар фуқароларнинг диний эҳтиёжларини қондириб келмоқда.

2. Жами 50 та масжидда тубдан қайта қуриш ишлари якунланди, 38 та масжидда таъмирлаш ишлари олиб борилди. 321 та масжидда қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

VII. Конфессиялар билан ишлаш йўналишида:

1. Жорий йилда Гулистон шаҳри, Алимкент шаҳарчаси (Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани), Фарғона шаҳри, Наманган шаҳри ва Денов шаҳри (Сурхондарё вилояти) да 5 та янги диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилди.

2. Ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ва диний ташкилотларнинг сўровларига асосан 43 та экспертлик хулосаси тайёрланди.

3. Республика ҳудудида фаолият кўрсатиб келаётган ноисломий диний конфессияларга диний байрамларини ўтказишда мунтазам равишда амалий ёрдам берилмоқда. Жумладан, 5-7 январь кунлари Рус православ черкови ва Арман апостоллик черковининг Рождество байрами, 6 февраль куни Будда жамоасининг янги йил байрами, 21 март куни баҳойий диний тақвими бўйича янги йил (Наврўз) байрами, 15 апрель куни яҳудийлар диний жамоалари томонидан Пейсах байрами, 15-17 апрель кунлари Рим-католик черкови ва Арман апостоллик черковининг Пасха байрами, 23-24 апрель кунлари Рус православ черковининг Пасха байрами, 15 май куни Будда ибодатхонаси томонидан Будданинг туғилган кунини нишонлаш бўйича тадбир, 26 сентябрь куни Яҳудийлар диний жамоаларининг янги йил байрами, 24-25 декабрь кунлари католик ва протестант черковларининг Рождество байрамларини ўтказишга кўмак кўрсатилди.

VIII. Халқаро ҳамкорлик йўналишида:

Дин ишлари бўйича қўмита, Муслмонлар идораси, Ислом цивилизацияси маркази, Халқаро ислом академияси, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, исломшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг диний-маърифий соҳаларга оид Туркия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Саудия Арабистони, Миср, Малайзия, Индонезия, Сингапур, Афғонистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон давлатларининг турдош ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 129 та (12 та видеоконференция, 19 та анъанавий конференция, 23 та учрашув, 23 та давра суҳбати, 11 та оффлайн ва 10 та онлайн илмий семинар, 12 та оффлайн ва 7 та онлайн тақдимот) тадбирларда иштироки таъминланди.

1. Ҳамкорлик ҳужжатлари - 17 август куни Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Жидда шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ислом ишлари, даъват ва иршод вазирлиги ўртасида ҳамкорликка оид меморандум имзоланди.

2. 7 ноябрь куни Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар жамғармаси - "UNICEF", Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон муслмонлари идораси ўртасида ҳамкорликка оид уч томонлама Англашув меморандуми имзоланди.

**Дин ишлари бўйича қўмита
2022 й.**